# Аёл олами

Ҳурматли газетхон! Сизлар билан ўртоқлашмоқчи, фикрлашмоқчи бўлган бугунги суҳбатимда нимаики айтсам, шуларнниг кўпини онамдан эшитганман.

Онам замонавий ўқишларда ўқимаган бўлсада, Қуръонни ёд билган, беш вақт намозни канда қилмаган, тақводор аёл эди. Онам биз учун нафақат она, балки дўст, устоз, оқила сирдош эди. Онамнинг онаси битта-ю, адабий дунёдаги оналари мингта эди. Онамнинг оналар меҳри ҳақидаги афсона, ҳикоя, ҳикмат, эртак, қўшиқ-ашулалари шу қадар кўп эдики, узун кечалар бизларга сўзлаб тугатолмас эди. Ана шулар қалбимда муҳрланиб, ҳали-ҳали қулоғимда акс-садо беради.

## ОНА ОЛДИДАГИ ҚАРЗ

### БИРИНЧИ ҲИКОЯТ

Муҳаммад пайғамбаримиздан саҳобалардан бири сўрабди:

— Эй Расулуллоҳ, энг аввал кимни рози қилмоқ керак?

— Онани, — дейдилар Расулуллоҳ.

— Кейин-чи?

— Яна онани.

— Ундан кейинчи?

— Яна ва яна онани, ундан кейин отани, —дебдилар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам.

### ИККИНЧИ ҲИКОЯТ

Пайғамбаримиз туш кўрибдилар. Тушларида икки фаришта қўлларидан тутиб олиб кетибди. Расулуллоҳ кўкка қарасалар, кўкда бир одам муаллақ ётганмиш, унинг яланғоч танига осмондан қор-ёмғир, дўллар муздай ўқ бўлиб ёғаётганмиш. Пастда ловуллаб ёнаётган олов. Кўзларини қузғунлар чўқир, танасига илонлар чирмашиб олганмиш. Илонлар бўғганда шундай бақирармишки, овози ҳашлардан келармиш, оғзидан оппоқ сўлак, киндигидан қон-йиринглар томчилармиш, илонлар тирноқлари, бармоқларини омбур бўлиб қисар экан, қулоқлари тошга, сочлари тиконга айланиб кетибди. Нафас олганда бурнидан анқиган сассиқ ҳидга ҳеч ким чидаб туролмас эмиш. Буни кўриб Расулуллоҳ «Бу банданинг гуноҳи нимадир?» деб сўрабдилар.

Шунда фаришталар: «Бу онаизорини қаттиқ ранжитган фарзанддир. Бу маҳлуқнинг онаси роҳат-фароғатни билмай, ёшлик гаштини сурмай, ҳам ота, ҳам она бўлиб бутун умрини ўшанга бағишлаган эди. Бу номард онанинг покиза меҳнатларига тупурди, онанинг қадриятини ерга урди. Шунинг учун Оллоҳу таоло буни шу кунга солди» дейишибди.

Яна дейишибдики, унинг кўзлари онанинг тортган жафосини кўришни истамади, шундан қузғунга ем бўлди. Унинг барваста қомати онанинг оғирини енгил қилмади, фарзандлик бурчини адо этишни ор кўрди, шундан илонлар қийноғида қолди. Онанинг ҳақлигини дили иқрор, тили изҳор қилмади, қулоқлари касал ётган онанинг дардини эшитишни хоҳламади, шундан қулоқлари тошга айланди-ю, оғзидан она сийнасидан эмиб катта бўлгани — оппоқ сут йирингга айланиб тома бошлади. Танидан сачраётган қизил суюқлик — она қорнида тўққиз ой, тўққиз кун ётиб, уидан олган куч-қувват, ҳаёт. Қон унинг томирини қуритганча оқади. Устидан ёққан қор-дўл, остидан уфураётган олов у неча ёшга кирган бўлса шунча давом қилади. Она силаб-сийпалаган боши яхшиликка ишламагани учун тиконларга айланган сочлар азобда қийналмоқда. Онани урган қўлларини, тепган оёқларини қузғун тирноқлари омбур бўлиб қисмоқда. Унинг даҳшатли бақиришидан одамлар унга қараб ибрат олсин, сассиқ ҳидни сезганлар ундан нафратлаисин, кимки онани хўрласа қиёмат кунн шу аҳволга тушади, деган башоратдир, дедилар фаришталар. Буни кўрган Расулуллоҳ тавба-тазарру келтирдилар ва ҳар бир мусулмон фарзандини онани эъзозлаб, уни севишга, ҳимоя қилишга чақирдилар.

### УЧИНЧИ ҲИКОЯТ

Кўп савоб иш қилган саҳобалардан бўлмиш Саҳил ибн Саид Оллоҳу таолодан илтижо қилиб сўрабди: «Эй, қудратли парвардигорим, мен осий гуноҳкор бандангман. Умрим поёни кўринмоқда. Охиратлик тупроғимни қаердан олишингни билгим келгаии учун мени кечиргил».

Шунда: «Эй менинг итоаткор бандам, сенинг тупроғингни фалон шаҳардаги, фалончи қассобнинг тупроғи билан бир жойдан олдим» деган жавобни келтирибди фаришталар. Бу хабарни эшитган Сахил ибн Саид ўша шаҳар томон сафарга отланибди.

Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир куни шаҳарга етиб келибди. Сўраб-суриштириб қассобни топибди. Дўкони олдига келиб, унинг ишларини узоқ кузатиб турибди. Қассоб ҳар битта гўшт бўлагини кесганда унинг юмшоқ жойларини танлаб олиб қўйибди-да, савдоси тамом бўлгач, гўштни олиб, дўконини бекитиб уйи томон жўнабди. Қассобнинг ортидан меҳмон ҳам аста-секин бора бошлабди, дарвоза олдига келганда қассобни тўхтатиб, салом-аликдан сўнг унга дебди: «Ҳурматли зот, мен бу шаҳарга мусофир эдим. Сизнинг уйингизда бир кеча ётишга ижозат берсангиз. Тунайдиган жойим йўқ». Қассоб бу таклифни хурсандчилик билан қабул қилиб, меҳмонни уйига бошлабди, иззат-икромлар кўрсатибди. Дастурхонни ёзар экан, турли нозу-неъматлар тортибди. Бир қозонга палов дамлабдида, яна бир кичкина қозонга олиб келган юмшоқ гўштни сабзавотлар билан қўшиб шўрва қайнатибди. Ниҳоят, паловни меҳмон олдига сузиб келаркан: «Узр, жаноблари, паловни бахузур олиб турсинлар, фақирнинг бир оз қиладиган иши бор эди, бир пасдан кейин яна сизнинг ҳузурингизда бўламан» деб алоҳида пиширган шўрвани олиб ичкари уйга кириб кетибди. Бундан ҳайрон бўлган Саҳил ибн Саид билдирмасдан қассоб ортидан бориб, эшик тирқишидан мўралабди. Қассоб уйга кириб, қўлидаги идишни хонтахта устига қўйиб, етти қават кўрпачада ётган кичкинагина қўғирчоқни авайлаб олиб, тиззасига ўтқизибди ва унга аста-секин овқат бера бошлабди. Овқатни егизиб бўлиб, қўлларини, оғзини артиб, кийим-кечакларини тўғрилаб, жойига аста ётқизиб қўйибди. Қўғирчоқ эса қўлларини кўтариб, унинг юзларини силармиш. Бу аломат ҳодисани кўрган меҳмон қайтиб келиб ўрнига ўтирибди. Уйдан чиқиб келган қассоб ҳам меҳмоннинг ёнига чўккалабди. Шунда меҳмон: «Тақсир, мени одобсизлигим учун кечиргайсиз, мен эшик тирқишидан қараб, сизнинг ичкари уйда қўғирчоққа кўрсатган илтифотингизни кўриб, ақлим лол бўлди. Буни қандай изоҳласа бўлади?» деб савол назарида қарабди. Қассоб чуқур уҳ тортибди. Бор гапни айтиб берибди.

«Йўқ, тақсир, у қўғирчоқ эмас, у менинг муштипарим — онажоним бўладилар, — дебди қассоб. — Юз ёшдан ошдилар, тишлари уч марта чиқиб тушди. Ўзлари йил сайин кичрайиб, жуссалари қўғирчоқдек бўлиб қолган. Кўзлари ҳам кўрмайди. Онамни хўрлаб қўймасин деб биринчи мазлумам вафотидан кейин уйланмадим ҳам. Ўз қўлим билан пиширган овқатни ўз қўлим билан егизаман. Юмшоқ ювиб, юмшоқ тарайман, авайлаб асрайман. Онам эса қўлларини баланд кўтариб: «Ўғлим, Оллоҳутаоло у дунё, бу дунё юзингни ёруғ қилсин» деб фотиҳа қиладилар, олдинлари овозларини эшитардим, шу кунларда эса овозлари чиқмас бўлиб қолган. Қўл кўтариб пичирлаб лабларини қимирлатишларидан сезаман», дебди.

Бу гапларни тинглаб ўтирган Саҳил ибн Саид: «Ҳақиқатан жаннати одам экансиз. Худойи таоло сизни у дунё, бу дунё ҳимоясига олган» дебди. Шундай одам билан тупроғи бир жойдан олинганлиги учун тақдирга тасанно айтиб кўзи уйқуга кетибди.

### ТЎРТИНЧИ ҲИКОЯТ

Бир онанинг боласи ўйнаб юриб оёғига тикон кириб кетибди. Бола қаттиқ азият чекиб, йиғлай бошлабди. Шунда она: «Болагинам, сенинг оёғингга кирган тикон сен юрган йўлларда тикон борлигини кўрмаган кўзларимга кирса бўлмасмиди» деб фиғон чеккан экан...

* * *

Юқоридаги ҳикоятлардан хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола, азизлар. Уларни ўқиб, мағзини чақиб, онангизга нисбатан меҳр-муҳаббатингиз янада ортса шояд.

**Роҳила ҲОФИЗ қизи.**



● БАЙРАМЛАР, қутлуғ кунлар арафасида қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар, айниқса, кам даромадли, боқувчисидан айрилган хонадон соҳибларини йўқлаш, уларнинг кўнглини кўтариш, совға-саломлар топшириш халқимизнинг азалий эзгу одатидир. Қибрай туманидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ҳам бу соҳада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда жамоа хўжалиги раиснинг муовини Абдуҳалил Абдужамилов тўрт фарзанднинг онаси колхозчи Раҳима Аҳмедовага бузоқ топширди.

Суратчи
Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

## ЯХШИ ХОТИН — СОФ ОЛТИН

● **Узук бармоққа, ёр эса қалбга ярашиқ бўлиши керак.**

● **Яхши хотин — соф олтин.**

● **Ота пули билан уйланган киши хотин қадрини билмас.**

Арман мақоллари.

● **Меҳрибон хотин меҳрибон биродар ва меҳрибон ўртоқдан афзалдир.**

Грузин мақоли.

● **Яхши хотин — ярим бахт.**

● **Эр яхши бўлса, хунук хотин ҳам гўзал бўлур.**

Қирғиз мақоллари.

● **Яхши хотин эрининг тинчлиги, уйнинг ободлиги ва яхшилик қилишга ёрдамлашувчидир.**

● **Яхши хотин — турмушга қўшар ҳусн.**

Тожик мақоллари.

● **Хотиннинг сариштаси — Одамнинг фариштаси.**

● **Яхши рўзғор — жаннат, Ёмон рўзғор — дўзах.**

● **Тотув турмуш — узоқ умр.**

● **Ёмон турмуш яшатмас.**

Ўзбек мақоллари.



● АЙТИШЛАРИЧА, қор қиш фаслининг кўрки ва зийнати сифатида кўп ҳосиятга эга. У уйқу аллалаган табиатни ёмон кўзлардан асрар ва унинг гўзаллигига бетакрор сайқал берар эмиш. Дарҳақиқат, бу улуғ неъмат ўз чиройи билан кишиларни ҳам мафтун этади. Шу боис қиш келдн, дегунча қор ёғишини интизорлик билан кутамиз. Мафтункор чиройидан тўйиб-тўйиб баҳра олгимиз келади... Ана, биз кутган қор ўз пар тўшагини ёйди.



Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа.

# СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

● «ЭТНОГРАФИЯ» юнонча сўз бўлиб, «этнос» — халқ, «графо» — ёзиш маъноларини англатиб, халқларни таърнфловчи, турмуш тарзи ва маданиятини ўрганувчи фан демакдир. Этнографик билимлар жуда қадим замонлардан маълум. Лекин у фан сифатида XIX асрнинг ўрталаридагина шаклланган.

● ИСПАН математиги Роберт Честерский ал-Хоразмийнинг машҳур «Ал-жабр вал-муқобала» асарини 1145 йилда арабчадан лотин тилига таржима қилди. Бунда «ал-жабр» сўзи «алгебра» деб, ал-Хоразмий сўзи эса «алгоритм» деб таржима қилинди. Бу атамаларнинг биринчиси ҳозирги замон математика фани номига, иккинчиси эса ҳисоблаш математикасининг асосий иборасига айланди.

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДАН — ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИГА

## САМАРҚАНДИЙНИНГ БИРИНЧИ АСАРИ

Бундан 538 йил бурун 19 жумадиссонийнинг 875 ҳижрий-қамарий йилида Абдулқосим Самарқандийнинг «Ҳошия-е мутааввал», яъни тўлиқ шарҳлар китоби «Амир Алишер Навоий» номи остида ёзиб тугатилган. Бу китоб Самарқандийнинг биринчн асари бўлиб, бир неча марта нашр қилингандир. Қўлёзмасининг бир нусхаси Теҳрондаги бир мадрасанинг кутубхонасида сақланмоқда.

Абдулқосим Абу Бакр Лайс Самарқандийнинг вафоти ҳақида у қадар маълумотга эга эмасмиз, аммо унинг китоб ва рисолаларга кўплаб шарҳ ёзганлиги шак-шубҳасиздир ва «Хижрий IX аср» деб номланувчн уламолардан ҳисобланган.

(«Эрон Ислом Республикасининг овози»).

## МАЙМУНЛАР ҲАМ ОЧ

Ўтган йили Жанубий Африка мамлакатларини кейинги 50 йил ичида энг кучли бўлган қурғоқчилик қийин аҳволга солди. Оғир иқлим шароитлари кўп ҳайвонларнинг юриш-туриши ўзгаришига ҳам олиб келди. Чунончи, ҳар доим мевалар, дарахтларнинг илдизлари билан таомланиб келган беозор маймунлар кутилмаганда... қонхўр ҳайвонларга айландилар. Улар кейинги пайтда тўп-тўп бўлиб қишлоқ хўжалик фермалари худудига бостириб кириб, товуқлар, чўчқалар, эчкиларни ўлдира бошладилар ҳамда уларнинг гўштини ея бошладилар. Маймунлар жуда ҳужумкор бўлиб қолишди, ҳатто одамларга ҳам тажовуз қила бошлашди. (ИТАР—ТАСС).

## КАСАЛЛИКНИ АНИҚЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Америка олимлари аёлларда кўкрак ракини барвақт аниқлашнинг янги усулини ишлаб чиқдилар. Бу усул касаллик аниқланган беморнинг соғайиб кетиши имкониятларини аниқлаб беришга ёрдам қилиши мумкин.

Рак шишида майда қон томирлари — капиллярлар текшириб кўрилади. 148 бемор аёлда ўтказилган 500 та тадқиқот шундан далолат бермоқдаки, қон томирлари зид жойлашганлиги аниқланган ҳолларда соғайиш имкониятлари энг кам бўлади.

(«Америка овози»).

## ЗАҲАРЛИ ҚУШ

Чикаго университети олимлари Ирнан ороллари чангалзорларида ноёб қушни топдилар. Бу қуш тўқ жигарранг-қора кўринишдалиги ва сайроқилигига қарамай чиройли парранда ишқибозлари коллекциясидан жой олмаса керак. Гап шундаки, тропик чангалзорларда яшовчи бу гўзал қуш ўзидан заҳар чиқариш қобилиятига эга, бу заҳарнинг кучи илонникидан асло қолишмайди. Лаборатория тадқиқотлари шуни кўрсатдики, хавф туғилган пайтда ана шу қуш терисида пайдо бўладиган суюқлик унга ҳужум қилганларни фалаж қилиб қўйиши ёки ҳатто ўлдириши мумкин. Америка олимлари, бу шу вақтгача аниқланган заҳарли қушларнинг биринчиси деб тасдиқламоқдалар.

(«САДО» халқаро экспресс ахборотидан).

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

## ОЛҒИРЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

БАРЧА турдаги маҳсулотларнинг тақчиллиги сезилиб турган ва республикамизда шу боисдан ички бозорни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари кўрилаётган бир пайтда баъзи бир нопок кимсалар мўмай пул орттириш пайига тушиб қолишган кўринади.

Божхона қўмитаси ходимлари катта йўлда қушдек учиб келаётган давлат белгилари 22-46 ТНН, 93-34 ТНВ «МАЗ 54-29» маркали юк машиналарини тўхтатишди. Синчковлик билан текширув ўтказилганда айни кунларда шаҳар дўконларидан топилмайдиган, бозори чаққон, хорижда ишлаб чиқарилган атир-упа буюмлари борлиги аниқланди. Хўш, бу машиналарнинг қайси корхонага тегишли эканлигини билмоқчимисиз? Уларку «Интехника» ва «Осиё» кичик корхоналарига қарашли-я, бироқ буюмлар эса пойтахтдаги «Макс» кичик корхонасига тегишли экан. «Ишбилармонлар» бу молларни ноқонуний йўл билан «Лола» фирмасидан ундиришиб, Томскка жўнатишган...

Божхона ходимларининг зийраклиги туфайли 2 миллион 400 минг сўмлик мол ушлаб қолинди.

Олмалиқда давлат белгиси 61-54 ДЖМ, «Татра-815» маркали юк машинаси тўхтатилганда ҳайдовчи С. Алёшиннинг тили калимага келмай қолди. У бекорга безовта бўлмаган экан. Қозоғистон Республикаси Жанатас шаҳар «Қоратов» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ушбу машинада рухсатномасиз олиб кетилаётган 2 миллион 441 сўмлик бульдозер эҳтиёт қисмлари топилди. Айни пайтда бундай эҳтиёт қисмларга талаб катта эканлиги ҳаммага маълум. Бироқ республикамизда баъзи бир кишиларнинг «хотамтойлиги»га ҳайрон қоласан...

**Мирза АБДУЛЛАЕВ, Республика Давлат божхона қўмитаси матбуот маркази ходими.**

Муҳаррир ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

## ХАТЛАРДАН САТРЛАР

● ҚИБРАЙ районининг Арғин қишлоғидаги А. Матқобулов номли 9-мактабда 80 ўринли янги ошхона ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Бу хабарнинг эътиборга лойиқ томони шундаки, ошхона қурилишига кўплаб ота-оналар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Т. ҚОДИРОВ.

● ЗАНГИОТА районининг Белтепа қишлоғидаги Чимир ота масжиди қошида мадраса очилди. Унда таълим олаётган турли касб ва ёшдаги кишиларга араб алифбоси, Қуръони Карим суралари, Ҳадис ва фиқҳ илмлари ҳамда ислом тарихини Ҳасанбой Абдуназаров, Тўлаган Тешабоев, Мўминжон Сайдалиевлар ўқитмоқдалар.

Абдуфаттоҳ ҳожи НАБИХЎЖА ўғли.

● ЭЪЛОН ●

САМАРА шаҳри марказидаги 1 хонали (майдони 18 м², 5 қаватли уйнинг 2-қаватида, телефон, балкони бор) квартирани;

САМАРА вилояти, Сизрань шаҳридаги 3 хонали, майдони 52 м², 4 қаватли уйнинг 3-қаватида, телефони, иккита балкони бор) квартирани

эркин алмашадиган валютага

СОТАМАН

Тел.: Самара шаҳрида — 39-94-67, Сизрань шаҳрида — 4-24-12, 4-27-98.

Янгийўл райони ҳокимлиги район ҳокими А. Юсуповга онаси

Норбуви ҚОБИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида А—3 форматида босилади. ●

Буюртма — Г-284. Индекс: 64672. Тиражи 31650. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.15 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12